КУТУБХОНАСИ

ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВИ 2 - бет

САМАРҚАНДГА САЁҲАТ ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ЎТДИ 3 - бет

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ 4-5 бетлар

«ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ — 2005 ЙИЛДА 7 - бет

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 222 (10.275) / 2004 ЙИЛ 15 НОЯБРЬ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИНГ «UZBEKISTAN AIRWAYS TECHNICS» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИГА

*Азиз дўстлар!*

*Меҳнат жамоангиз тарихидаги муҳим сана — «Uzbekistan airways technics» корхонаси ташкил этилганининг 80 йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.*

*Авиация техникасини таъмирлаш бўйича асосий ишлар қўлда бажариладиган оддий устахона сифатида 1924 йилда ташкил қилинган мазкур корхона узоқ ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтиб, бугунги кунда жадал ривожланаётган, юксак технологиялар асосида фаолият юритадиган замонавий ишлаб чиқариш мажмуасига айланди.*

*Корхона кўп миллатли жамоасининг фидокорона меҳнати туфайли мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш қувватлари тубдан қайта жиҳозланди, илғор технологиялар, меҳнатни ташкил этиш ва бошқарув усуллари фаол ўзлаштирилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида корхона авиация хизматлари бозорида муносиб ўрин эгаллади, кескин рақобат муҳитида фаолият юритиш салоҳиятига эга бўлди. Айниқса, сизлар авиация техникасини халқаро андозалар даражасида таъмирлаётганингиз, буни хорижий ҳамкорларимиз ҳам тан олиб, корхона ҳақида ижобий фикрлар билдираётгани қувончлидир.*

*АҚШ, Россия, Канада, Украина, Буюк Британия ва Германия каби авиация техникаси соҳасида жаҳонда етакчи ҳисобланмиш мамлакатларнинг лойиҳачи ҳамда ишлаб чиқарувчилари билан ўзаро манфаатли, яқин ҳамкорлик туфайли А-310, Боинг-757, Боинг-767, RJ-85 каби замонавий самолётларни таъмирлаш бўйича минтақамизда ягона бўлган Техник хизмат кўрсатиш марказини ташкил қилиш, уларга муҳандислик-техникавий хизмат кўрсатишда юқори натижаларга эришиш имкони вужудга келди.*

*Жамоадаги бой меҳнат анъаналари, янада такомиллаштирилган замонавий ишлаб чиқариш базаси, кадрлар тайёрлаш, жумладан, Европадаги энг яхши ихтисослаштирилган ўқув марказларида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими мавжудлиги ходимлар, айниқса ёш мутахассисларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Сизлар эришган натижалар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётгани ва ҳукуматимиз авиация соҳаси ривожига доимий эътибор бериб келаётганининг яна бир тасдиғи эканини таъкидлашни истардим.*

*Ишончим комилки, сизларнинг жамоангиз мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва обрў-эътиборини оширишдек олижаноб ишга бундан буён ҳам салмоқли ҳисса қўшаверади.*

*Азиз дўстлар, барчангизга чин қалбимдан муваффақиятлар ва меҳнатда янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва ҳаётингизда фаровонлик тилайман.*

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* *ФАРМОНИ*

### «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг 80 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, миллий авиациямизни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»**

**Дворянинов Александр Иванович** — «Uzbekistan airways Technics» авиакорхонаси директорининг ўринбосари

**Исаев Носир Масъудович** — Авиакорхона 5-цехининг устаси

**Ҳаво транспорти соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, замонавий авиация техникасини ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда эришган ютуқлари, турли миллатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Авлиёқулов Рустам Йўлдошевич** — Авиакорхона 11-цехининг электромеханиги

**Бакин Василий Стефанович** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг маркетинг ва сотиш хизмати бошлиғи ўринбосари

**Никитин Анатолий Иванович** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг бош муҳандиси ўринбосари

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Алихонова Мавжуда Соатовна** — Авиакорхона 17-цехининг участка бошлиғи

**Розиев Тўхта Тошпўлатович** — Авиакорхона 2-цехининг таъмирловчи-чилангари

**Салдин Артур Андреевич** — Авиакорхона 23-цехининг йиғувчи-чилангари

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Авдюнина Зульфира Миргасимовна** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг бўлим бошлиғи

**Комалов Рофхат Гимадутдинович** — Авиакорхона 5-цехининг синовчи-механиги

**Саралем Вера Петровна** — Авиакорхона 10-цехининг бўёқчиси

**Саримсоқов Абдуқодир Халилович** — Авиакорхона 2-цехининг чилангари

**Титов Владимир Константинович** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг муҳандиси

**Умарова Муршида Зуфаровна** — Авиакорхона 2-цехининг участка устаси

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Балабушенко Виктор Андреевич** — Авиакорхона 5-цехининг нуқсон аниқловчиси

**Ғуломов Сирожиддин** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг муҳандиси

**Ештуков Анвар Юмагузиевич** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг мотор синаш станцияси устаси

**Ильин Виталий Викторович** — Авиакорхона 3-цехининг таъмирловчи-чилангари

**Кенжабоева Шаҳзода Йўлдошевна** — «Uzbekistan airways Technics» авиакорхонасининг иқтисодчи-менежери

**Колесников Евгений Николаевич** — Авиакорхона 23-цехининг йиғувчи-чилангари

**Костерина Майя Николаевна** — Авиакорхона 10-цехининг ишчиси

**Салмин Игорь Борисович** — Авиакорхона 7-цехининг йиғувчиси

**Туґалов Сирожиддин Абдураҳмонович** — «Uzbekistan airways Technics» авиакорхонасининг етакчи муҳандиси

**Урманцев Александр Шамильевич** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг парвоз синовлари бўйича етакчи муҳандиси

**Худоёров Жумшид Исфандиёрович** — «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасининг бош механиги

**Чумак Ядвига Брониславовна** — Авиакорхона 10-цехининг нуқсон аниқловчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
**Тошкент шаҳри, 2004 йил 9 ноябрь**

## САЙЛОВЛАР ВА МУСТАҚИЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

**Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида жамиятимиз аъзоларини холис, тезкор ва ҳаққоний ахборот билан таъминлашда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда.**

Кейинги йилларда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг фаоллашгани айниқса яққол кўзга ташланаяпти. Бундан қарийб бир йил муқаддам республикамизда фаолият юритаётган 50 нодавлат телерадиостудия раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси /ЎзЭОАВМА/ таъсис этилгани бу жабҳадаги саъй-ҳаракатларни тамомила янги босқичга кўтарди.

ЎзЭОАВМА аъзоларининг пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўтган навбатдаги умумий йиғилишида жумладан, уюшма телерадиохабар узатувчиларининг сайлов жараёнларини ёритишдаги иштироки билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказининг раҳбари Ш.Қудратхўжаев юртимизда икки палатали парламентга сайлов кампанияси қизғин паллага кираётгани, эркин ва демократик сайловлар ўтказишда оммавий ахборот воситалари томонидан ана шу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир билан боғлиқ жараёнлар кенг, очиқ, ошкора, фикрлар хилма-хиллиги ва муқобиллик асосида ёритилиши катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тадбир қатнашчилари, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом» қоидалари билан танишдилар. Пулли эфир вақтини тақсимлаш механизмлари, ахборот хизмати тўлов ҳажмлари тўғрисида фикр алмашдилар.

Мулоқот очиқ, ошкора ва самимий руҳда ўтди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

- **Муборак Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга хорижий давлатлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда.**
- **Кеча республикамизнинг барча жомеъ масжидларида ҳайит намозлари ўқилди, кексалар ва беморлар холидан хабар олинди, меҳр-мурувват тадбирлари амалга оширилди.**
- **«Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг 80 йиллиги муносабати билан Тошкентда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда корхона ходимларининг бир гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.**
- **Ўзбекистон фалсафа жамияти раёсати томонидан «АҚШда фалсафа таълими ва фаннинг ҳозирги даврдаги ривожланиши» мавзуида илмий-назарий семинар ўтказилди.**
- **Назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят назорат идораларининг текширишларни мувофиқлаштириш бўйича тўққиз ойлик иш якунлари ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.**
- **Термиз шаҳридаги кўргазмалар залида иқтидорли мусаввир Ҳолбой Ҳасановнинг «Бўёқларда Ватан жилоси» номли кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**

### Жаҳонда

- **Европа Иттифоқининг Ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича комиссари Хавьер Солана Ясир Арафотнинг вафотидан кейинги умумий вазият, сайловларга тайёргарлик билан яқиндан танишиш мақсадида Фаластин мухториятида бўлди.**
- **БМТ хавфсизлик Кенгаши мажлисида сўзга чиққан БМТ Бош котибининг ўринбосари Жан Мари Гуэнно Афғонистонда ўтган президентлик сайловлари ушбу мамлакатда сиёсий вазият бирмунча изга тушгани, аҳоли демократик жараёнларга қўшилиб бораётганини таъкидлади.**
- **АҚШ Президенти Жорж Буш Оқ уйнинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Альберто Гонзалесни адлия вазири лавозимига номзод этиб кўрсатди. Энди унинг номзодини Сенат тасдиқлаши лозим.**

**26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

*Сайловлар ва биз*







# МЕН БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН

**Мамлакатимиз ҳаётида кутилаётган муҳим сиёсий воқеа икки палатали парламентга бўлиб ўтадиган сайловларга катта тайёргарлик ишлари кетмоқда.**

Ушбу тадбирда республика бўйича 14 миллиондан зиёд, Тошкент шаҳридан — 1 миллион 256 минг нафар фуқаро иштирок этади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, 215 мингга яқин пойтахтимиз ёшлари бу йил илк бор сайловларда овоз берадилар. Умумий ҳисобда сайловчиларнинг 40 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу муҳим сиёсий тадбир олдидан унинг аҳамияти ва моҳиятини ёшларга тушунтириб бориш долзарб вазифалардан биридир.

Куни кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ва матбуот маркази томонидан Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги 29 та олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар иштирокида ташкил этган учрашув айнан шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда бешта сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳар Кенгашлари етакчилари иштирок этиб, бу йилги сайловларда биринчи марта овоз бераётган ёшларга ўз мақсад ва вазифалари, бугунги кунда олиб бораётган фаолиятлари, келажак режалари, сайловолди кампаниясининг мазкур босқичдаги жараёни — депутатликда номзодларни кўрсатишда асосий эътибор нималарга қаратилаётгани ҳақида маълумот бердилар.

Жумладан, «Адолат» социал-демократик партияси томонидан демократик жамиятнинг асосий негизи ҳисобланмиш адолатга таяниб, халқ-фаровонлигини янада оширишга, ижтимоий турмушдаги муаммо ва камчиликлар ечимига оид қонунларни янада такомиллаштиришга, ёш авлод манфаатлари ва ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш йўлида, эл-юрт обрўсини кўтаришга хизмат қиладиган инсонлар депутатликка номзод этиб кўрсатилаётгани, «Миллий тикланиш» демократик партиясида турли миллат вакиллари бўлиб, аъзоларининг 60 фоизини ёшлар ташкил этиши таъкидланди. «Фидокорлар» миллий демократик партияси ташкил топган сана — 1999 йилдан бошлаб фидойи инсонларни бирлаштириб келмоқда. Республика бўйича унинг 70 мингдан ортиқ аъзолари бўлса, шундан ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Мустақиллик тенгдоши, партиялар орасида катта тажрибага эга Ўзбекистон Халқ демократик партияси бугунги кунга қадар ярим миллион халқпарвар инсонларни бирлаштирган. Унинг пойтахт бўйича 55 мингдан зиёд аъзоларини мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари ташкил этади. Сиёсат майдонига эндигина кириб келган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ижтимоий барқарорликни иқтисодиётни кўтариш орқали таъминлашга фаоллик билан ҳаракат қилмоқда.



Тадбирда шунингдек, Тошкент Давлат юридик институти мутахассислари икки палатали парламентнинг афзалликлари, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг вазифалари, қонунлар мукаммал бўлишида бўлажак сайловлар натижалари катта аҳамиятга эга эканлиги хусусида сўз юритишди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу олий ўқув юрти ўқитувчи ва талабалари саъй-ҳаракатлари билан янги тизимдаги сайловларга оид 20 га яқин қўлланма чиқарилган, шунингдек, илк бор овоз бераётган ёшларнинг фуқаролик ва сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган «Сайловчи дипломи» нашрга тайёрланмоқда.

Тадбирнинг асосий қисми савол-жавоблар тарзида ўтди. Ёшларни табдирдан олган таассуротлари билан ўртоқлашишга чорладик.

**Меҳриддин ФОЗИЛБЕКОВ, Тошкент давлат тиббиёт институти талабаси:**

— Икки палатали парламентга бўлиб ўтадиган сайловлар ҳақида маълум тушунчага эгаман. Биринчи учрашув давомида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар, уларнинг мақсад ва вазифалари, сайловолди дастурлари ҳақида озгина бўлса ҳам маълумотга эга бўлдим. Ўйлайманки, ҳар қандай сайлов якуни сайловчиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қай даражада билишларига боғлиқ. Шундай экан, фақат ёшлар ўртасида эмас, кенг равишда аҳоли орасида ҳам сайловолди учрашувлари ўтказилиши лозим.

**Нигора МУҲСИМОВА: Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси**:

— Мен биринчи марта овоз бераман. Шунинг учун ҳам бўлажак сайлов ҳақида кўпроқ билишга, икки палатали парламентнинг афзалликлари нимадан иборатлигини, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларини, ўз ҳақ-ҳуқуқим ва бурчимни англаб олишга ҳаракат қиляпман. Депутатлар ичида ёшларнинг кўпроқ ўрин олишини истар эдим. Чунки, бугунги кун ёшларининг муаммо ва камчиликларини ечишда улар фаоллик кўрсатадилар деб ўйлайман.

**Шерали АВАЗОВ, Тошкент Давлат юридик институти талабаси**:

— Бугунги учрашув менда катта таассурот қолдирди. Кўплаб саволларимга жавоб олдим. Бешта партиянинг фаолияти билан қисман бўлсада танишдим. Мамлакатимизда демократияни ривожлантиришнинг асосий масалаларидан бири — ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдир. Сайловларда иштирок этадиган партияларнинг фаоллиги, муносиб номзодларнинг депутатликка сайланиши жуда муҳим, истиқболимизни ҳал қилувчи жараёндир. Мен ҳар томонлама пухта ўйлаб, энг муносиб деб топган номзодга овоз бераман.

**Ҳасан ТОШПЎЛАТОВ, Тошкент Давлат педагогика университети талабаси**:

— Учрашув жараёнида маълум бўлдики, биз ёшларнинг ушбу муҳим — икки палатали парламентга биринчи марта асос солинадиган сайловда иштирок этишимиз, фаоллик кўрсатишимиз эртанги истиқболимизни белгилашга хизмат қилар экан. Мен барча тенгдошларимни энг муносиб, халқи учун, миллати учун фидойи бўлган номзодлар учун овоз беришга чақириб қоламан.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ва матбуот маркази томонидан Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда ўтказилган учрашувда ёшларнинг эртанги кун орзуси, бугунги кун ютуқларидан фахрланиш туйғуси, бўлажак сайловларга бефарқ эмаслиги яққол сезилди. Анжуман ниҳоятда жонли, фикр-мулоҳазалар, савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Муҳими, жамиятнинг навқирон бўғини бўлмиш ёшлар она-Ватаннинг ёрқин келажагини, бахт-саодатини мана шу сайловларда кўряптилар, муносиб номзод учун ҳар бир берилган овоз ҳал қилувчи бўлиши мумкинлигини тушуняптилар. Уларнинг бундай зийраклик ва қизиқувчанлик билан қараётганлари эса сиёсий онглари юқори эканлигидан далолатдир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**







## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Эй азиз, араблар орасида «Бахиллик оловдир» деган мақол бор. Чунки бахиллик ўз соҳибини ғам ўтида ёндиради. Араблар бировни бахилликда айбламоқчи бўлсалар, уни «Нодир бахил» дейдилар. Бу сўзнинг келиб чиқишига Нодир исмли киши сабаб бўлиб, унинг тарихи қуйидагича экан. Айтишларича, Бани билол қавми орасида Нодир исмли киши бўлиб, у бахилликда маълум ва машҳур бўлган экан. У ҳар куни ўз туяларини суғориш учун қудуқдан сув тортиб олар, қудуқ ёнидаги ҳовузчага қуйиб суғорар ва туялардан ортиб қолган сувни ҳовуздан яна қайтиб олиб далага сепиб юборар ёки ортиқча сувни ифлослаб қуяр экан. У ҳар куни шу одатини такрорлашини қўймас экан. Унинг яна бир қилиғи бўлиб, туялар тезагини тепалаб, тупроққа аралаштириб юборар экан. Чунки тезакдан ўтин сифатида бошқалар фойдаланишини хоҳламас экан. Шунинг учун уни «Нодир бахил» дейишарди. Ўш кундан бошлаб ким бахил бўлса уни «Нодир бахил» дейиш одат тусига кириб қолибди.

**● Бахил одамга**
**ҳамма одам ёмон бўлиб**
**кўринади.**
**Бахил учун дунёда**
**роҳат йўқ,**
**Бахилнинг ўз**
**дарди ўзига етади.**

Ҳар қандай оловни сўндириш мумкин. Аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

Юзинг қора бўлса айб эмас юрагинг қора бўлмасин.

Бахилга меҳмон бўлган киши ҳеч қачон қорин оғриғига учрамайди.

● Бахил яхшиликни ёмон кўради, ёмонликка эса қарсак уради.

Бахиллик бир тикон, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди.

Бахил одам йўлдош бўлмайди: бордию йўлдош бўлиб қолса қорни шишиб ўлади.

● Бир подшо рикобдорлик вазифасини бажарувчи мулозимга қараб: «Бир сирим бор, аъёнлардан ҳеч кимга айтишга кўнглим бўлмаяпти, уни сенга айтмоқчиман!» — деди. Рикобдор унга:

**Жоним таним ичра**
**бор экан пинҳон,**
**Сиринг жоним ичра**
**яширин мудом,**

—деб жавоб берибди. Подшо унга: «Акамдан хавфдаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташламоқчиман!» — деди.

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафолик рақамини чекиб, унинг акаси олдига етиб борди ва бўлган воқеадан уни огоҳ қилди. Подшонинг акаси вақтида чора-тадбирни кўриб қочиб қутулди.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшо ўлди ва унинг ўрнига акаси тахтга ўтирди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдириш ҳақида бўлди. У рикобдорга деди:

**Тилинг бўлса эди**
**сир учун йўлдош,**
**Қиличдан узилмас**
**эди хаста бош!**

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўқига нишон бўлди ва кўрнамаклик қуръаси унинг ҳаётига тамға бўлиб босилди.

*Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун*

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

## РОМАН -ХРОНИКАДАН БОБЛАР

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)**

* * *

Шажарамизни давом этдираман. Бобом Бекназар сўфи жуда ҳам содда, оққўнгил, келбатли, бақувват киши бўлган экан. Отамнинг айтишларича, унинг қув ҳамсоялари бобомнинг соддалигидан кулишиб, ҳар хил қитмирликларни ўйлаб топишаркан. Шулардан бири. Жўралар йиғилишиб халфана палов қилишмоқчи бўлишибди. Ҳамма нарса бор экану аммо ёғ йўқ экан. Жувозга борсалар — ёпиғ. Нима гап, деб сўрасалар, бекорчиликдан пашша қўриб ўтирган жувозчи: «ҳўкиз касал бўпқолди, жувоз айлантиргани бошқа нарса йўқ», деб жавоб берибди. Шунда: «Ёғни қайдан топамиз? Наҳотки, бугун ош емасак? Нима қиламиз энди?..» дейишиб жўраларнинг бошлари қотибди.

«Бекназар! — дебди шунда йигитлардан бири билдирмай ёнидагиларга кўз қисиб. Ёғ топмасак бўлмайди... Буни биласан. Ош қиламиз, деб қўйганмиз. Ўзинг жувозга тушиб қўяқол. Бошқамизнинг кучимиз етмайди-да бу жувозни айлантиришга... Бўлмаса, ўзим шартта тушиб қўя қолардим-а.. Беш-олти марта айлантирсанг бир ошлик ёғ чиқади. Бўлақол, оғайнижон!..»

Бекназар қараса, барча ўртоқлари унга илтижо билан тикилиб туришибди. У дўстларига ёрдам бергиси келди. Шартта бўйинтуруғни бўйнига илиб жувозни айлантира кетди. Жувозчи тездагина бир ошлик ёғ чиқариб берди. Мамнун бўлган йигитлар ўша куни ошни пишириб едилар, яйраб ўтирдилар... Лекин Бекназар ўша кундан бошлаб ўзига «ҳўкиз»лақабини орттириб олди... Фурсат келиб қолганда, қитмир жўралар, албатта, бу лақабни эслаб кулишар эдилар...

Отам Аҳмадкул сўфи Бекназар сўфи ўғли1910 йилда Андижон вилоятининг ҳозирги Бўз туманига қарашли Бешкал қишлоғида туғилган. Еттига кирганида Октябрь тўнтариши рўй берди. Замон алғов-далғов бўлиб кетди. Отамда етарли даражада ўқиб билим олиш имкони бўлмади, Бешкал қишлоғи чет бир пучмоқда жойлашган эди, йўллар йўқ, шўр ерлар бўлганидан ёмғир ёғди дегунча, юриб бўлмай қоларди. Шу сабабдан ёғингарчилик, қиш бошланса, қишлоқдаги одамлар то баҳоргача уйларидан чиқмай яшар эдилар.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ташкил этилган рабфак (рабочие факультеты)-дагина ўқиб отам етарли савод чиқаришга муваффақ бўлди. Бироқ, 1929 йилда Ўзбек алифбоси ўзгартирилиб лотинга ўтилиши вазиятни қийинлаштирди. Лотин алифбосида яхшигина савод чиқариб олган отамдай кишиларга 1941 йилга келиб яна мушкуллик туғилди: бор-йўғи ўн икки йил ҳукм сурган лотин алифбоси такрор ўзгартирилиб энди кирилл алифбосига ўтилди! Қисқа муддатда алифбомиз уч марта ўзгартирилди! Миллатга, унинг маданиятига ҳурматсизлик бундан ортиқ бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Отам турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1939 йилда Катта Фарғона канали қурилишида иштирок этди. 1942 йилда ўзи отилиб чиқиб урушга кетди. Даставвал бир муддат Тошкент яқинидаги Товоқсой қишлоғида машғулотларда қатнашди. Кейин Иккинчи Белоруссия фронтида артиллерист-наводкачи бўлиб хизмат қилди, чунки отам ёшлигидан яхши мерган овчи бўлган эди.

Жангларда иштирок этаётганининг еттинчи ойи эди, Смоленск остонасида қаттиқ ярадор бўлди.

Даволаниш учун тўққиз ой госпиталда ётишга тўғри келди. Оғир ярадор бўлган, илинибгина турган чап қўлни олиб қолиш керакми ёки кесиб ташлаш керакми — бу ҳақда докторлар баҳс қилишиб бир фикрга кела олмас эдилар. Отам ҳаммасини билиб турар: «Илоё, шу чап қўлимни таҳорат учун обдаста тутишга ярайдиган қилиб қолдирсанг бўлгани...» деб кечалари Худога илтижо айлаб чиқарди. Ниҳоят, катта бир доктор қўлни кўриб, кесилмайди, деган қарорга келди...

Урушдан иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтган отам бир умр ўша докторни, «кофир бўлса ҳам» дуо қилиб ўтди. 1944 йилда Фарғод ГЭСи қурилишида фаол иштирок этди. 1951- 1953 йилларда Киров қишлоқ совети раиси бўлиб ишлади. 1954 йилда туҳматга учраб ҳибсга олиниб, олти йилга кесилди ва Сибирга юборишга қарор қилинди... “Мени чулчутнинг ичига ташласалар ҳам, бир тўғрам нонимни топиб ейман. Бундан хавотир олма! — деб онамни юпантирдилар отам. — Фақат болаларга эҳтиёт бўл. Айбим йўқ, тезда қайтаман”.

Беихтиёр Саид Маҳмудхон Тўранинг Демазанг зиндонига ташланиши воқеалари ёдингга тушади...

Отам Кемерово ўрмонларида дарахт кесиш билан шуғулланди. Онам Турдихол Эгамназар қизи олти боласи билан авф сўраб, Москвага юқори идорага хат ёзгани учун (хатга оилавий бир суратимизни ҳам қўшиб юборгандик, суратга онам, опам Раҳимахон, мен, синглим Биби Солиҳа, укаларим Рустамбек, Мадаминжон ва Азаматлар билан бирга тушгандик, ўшанда ўн икки ёшда эдим) отамнинг иши қайта кўриб чиқилди...

Бир ярим йил деганда (иш кўрилгунча шунча вақт ўтди) отам айбсиз бўлгани сабабли қамоқдан озод этилди.

Бу 1955 йилда юз берди...

Мен буларни мустамлакачилик замонида тарихимизга, хусусан, шажараларимизга бўлган муносабатни кўрсатиш учун келтирдим. Ҳа, халқимизда шажара туйғуси, демакки ота-боболарга иззат-икром туйғуси атайлаб топтаб юборилган эди.

— Мана шу маънода ҳозир келтиражак шажара тарихимизнинг асил анъанасини кўрсатувчи бир намуна десак муболаҳа бўлмайди.

### XI
### ЎТМИШГА ИККИНЧИ САФАР

Кобулда Қори Абдурасулхон уйидан ватандошларни кунма-кун Пешоварга кузатар экан, Саид Маҳмудхон Тўра уларнинг кўзланган манзилга соғ-саломат етиб олишлари ташвишини чекарди.

Бир куни китобларини титкилаётиб, қўлига сандиқчанинг ичида сақланаётган «Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий насабномаси» тушиб қолди. Қарийб ўн қарича келадиган, йиллар нафасидан сарғайиб кетган юпқа, бағоят сифатли султон қоғозига араб, форс, ўзбек тилларида чиройли ҳуснихат билан ёзилган «Насабнома» меҳробдаги сандиқда ҳамиша Убайдулла Самарқандийнинг «Сирож ас-соликийн ва латойиф ал-орифийн»* рисоласи билан ёнма-ён сақланарди.

Ҳа, кейинги пайтлар ташвишлар кўпайиб тез-тез қўлига олиб турадиган бу шажарани, нафақат бу шажарани, умуман, бошқа рисолаларни ҳам варақлашга фурсати бўлмади. Буни тан олиши керак. Аждодлар руҳини шод этмоқ учун нечанчи бор ўқиган шажарани яна қўлига олди, ёнида эса “Сирож ас-соликийн ва латойиф ал-орифийн” рисоласи турарди...Уни “Маноқиби Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий” деб ҳам атайдилар. Уларни мутолаа қилиб Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳаёти ҳақида батафсил тасаввур олиш мумкин.

Шажара ҳақида шуни айтиш лозимки, чиндан ҳам у мўътабар бир бебаҳо ҳужжатдир. Ҳужжатнинг қадри баландлигини уни тасдиқлашган ўттиз қозиюл қуззотнинг қутлуғ имзолари ҳам кўрсатиб турибди. Шажарага назар ташлаб, не-не авлодлар ҳаётини бир нигоҳда илғаб олиш мумкин, у бамисли бир оинаи жаҳон, оинаи қисмат... Бамисли Жамшиднинг гитийнамо жомидай минг-минг йиллик тақдирлар яққол намоён бўлади.

Саид Маҳмудхон Тўра муборак ҳужжатга қўл узатар экан, ҳар сафар вужудини мислсиз ҳаяжон чулғаб олади... Шажаранинг бошида чорёрлардан бири пайғамбаримиздан кейинги биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқ розиёллоҳу анҳу номлари турибди. Ул зот, Расулиллоҳ қайиноталари, яъни Биби Ойшанинг падари бузрукворлари, милодий 572-634 йилларда яшаганлар.

Саид Маҳмудхон Тўра аллақандай бир таважжуҳ билан улуғ аждоднинг муборак номларига лаб босди, кўнгил лавҳида эса Муҳаммад Расулиллоҳнинг шарафли ҳаёти ва ислом ривожи йўлида тиниб-тинчимаган бобокалон умри бир-бир жонланди.

Ушбу асно 1487-1571 йилларда умр кечирган бобоси Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг Абу Бакр Сиддиқ жанобларига ўн еттинчи авлод бўлганлигини дил-дилдан ҳис қиларкан, яратганга шукроналар келтирди. Ўзи эса Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийга ўн учинчи пушт ҳисобланади. (Саид Маҳмудхон Тўранинг 1887-1959 йилларда яшаганлигини эслатиб ўтамиз.) Авлодлар оқими ана шундай давом этади...

Саид Маҳмудхон Тўра ҳар гал Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийгача бўлган аждодлар силсиласига назар ташлаб қизиқ манзаралар шоҳиди бўлади.

Мана...Саид Маҳмудхон Тўранинг:
онаси - Мўсинахон ойим,
бобоси - Маъсумхон Эшон шайхулисломдир.

Маъсумхон Эшон отаси — Қўқон хонлигида йирик уламолардан саналган Муҳаммад Валихожа ҳисобланади.

Дарвоқе, “Насабнома”нинг ўзигача бўлган даврини қоғозга кўчирган ҳам мазкур Муҳаммад Валихожа эди.

Ундан кейин шажара шундай юқорилаб боради:

Муҳаммад Собир Хожа –
Раҳматуллоҳ Хожа –
Калон Хожа –
Иброҳим Хожа –
Салим Хожа –
Раҳим Хожа –
Хожа Калон –
Хожа Фатҳуллоҳ-
Муҳаммад Мирак –
Хайринисо ойим –
Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий...

1487 йилда туғилган Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий билан 1887 йилда туғилган Саид Маҳмудхон Тўра орасида тўрт юз йиллик масофа ётибди...

— Улкан шажаранинг зикр этилган қисмидан кўриниб турибдики, бу силсилада машҳури офоқ зот, шубҳасиз, ўзбек халқининг ардоқли фарзандларидан бири Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳисобланади. Халқпарвар ул зот ҳақли равишда Ватанимиздан етишиб чиққан етук ислом таълимотчиларидан бири: ўз даврида нақшбандия тариқатига раҳнамолик қилган, эл ҳурматига сазовор азиз-авлиё сифатида тан олинган. Табиийки, Саид Маҳмудхон Тўра номдор аждоди билан фахрланади ва ўзидаги ҳоли қудрат валийлик, соҳиби кароматлик шижоатларини ўша бобосидан кўради.

Саид Маҳмудхон Тўра машҳур бобоси ҳақида аждодлардан қолган, авлоддан авлодга ўтавериб, баъзан афсонага айланиб кетган нақлларни бир-бир эслай бошлади...

Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий асли Чодакда Хўжа Фатҳуллоҳ деган ўз замонасининг етук алломаларидан бирининг оиласида туғилган. “Чустий” нисбасидан кўриниб турибдики, Мавлоно Фатҳуллоҳ оиласи Лутфуллоҳ чақалоқлигидаёқ Чустга кўчиб ўтган бўлса керак. Дунёни таниш ҳарқалай Чустдан бошланган деб ҳисоблаш мумкин.

Ривоят қилишларича, кунлардан бир кун Қуръони мажид тиловатига қаттиқ берилган Хўжа Фатҳуллоҳнинг руҳ ила вужудлари фароғатга чўмиб турганда, Аллоҳ таоло туғилажак ўғлининг исмини Лутфуллоҳ деб қўйишини унинг дилига солади... Шу сабабдан унинг исми “Лутфуллоҳ” (Аллоҳнинг лутфи) деб қўйилади. Лутфуллоҳ гўдакликданоқ жуда зеҳнли, ҳушёр, фаросатли бўлиб ўса бошлади.

Нақл этишларига кўра, Мавлоно Лутфуллоҳ онаси оғирбўй эканлигида тушига катта сув кирган экан, гўё бор оламни сув қамраган эмиш... Бу эса Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг келажакда машҳур мироб ва сув муҳандиси бўлиб етишишига башорат сифатида қабул қилинади. Чиндан ҳам кейинчалик Мавлононинг кўп саъй-ҳаракатлари билан Фарғона водийсида, Чуст ва Қўқон атрофларида кўп булоқлар кўзи очилиб, кориз ва ариқлар қазилган эди.

Етти ёшида Қуръони каримни тўла ёд олишга эришган Лутфуллоҳ ўша пайтда нуфузи баланд ҳисобланган Чодак мадрасасида бир муддат таҳсил олгач, Самарқандга борди. Йирик уламолар davраси уни Қуръони карим илми, илми ҳадис, илми тафсир, нақшбандия таълимоти оламига олиб кирди...

*** Ушбу асарни рус олими А.А.Семёнов таҳлил қилиб ўрганиб чиқиб у ҳақда китоб ҳам ёзган. Китоб “Ўрта Осиёнинг ХУI аср этнографик адабиётининг нодир ёдгорлиги” деган номда 1941 йилда Тошкентда босилиб чиққан.**

**(Давоми келгуси сонда)**

## *Шифобахш ўсимликлар*

### КОВУЛ

... Энг фойдали қисми илдиз пўстлоғидир.

...Илдизининг пўстлоқлари чайналса, бошдаги рутубатни тортади ва бошдаги совуқ оғриқни босади. Унинг ширасини қулоқдаги қуртларга қарши томизилади. Тиш оғриғига қарши илдиз пўстлоқларини, айниқса, янгиларини ёки баргини чайнаш керак, шунингдек, ковул солиб қайнатилган сирка ё шароб билан оғизни чайқаш керак.

... Тузлангани астма билан оғриган кишиларга фойда қилади.

### КЎКТИКАНАК

...Тортишиш касалига фойда қилади.

...Курак тишлари оғриғига қарши унинг қайнатмаси билан оғиз чайқалади. Барча назлаларга фойда қилади. Илдизининг таъсирлари ҳам шундай.

... Кўкракдан келиб чиқувчи қон туфлашга фойда қилади.

...Илдизи узлуксиз қусишда фойда қилади.

### ЛИМОНЎТ

... Оғизни жуда хушбўй қилади. ...Мия тиқилмаларига фойда қилади, оғиз ҳидланишини кетказади.

...Юракни хурсанд қилади ва кучайтиради, юрак ўйнашни йўқотади. ... Ҳазмга ёрдам беради ва ҳиқичоқда фойда қилади.

### МОЙЧЕЧАК

... Мияни кучли қилади ва совуқдан бўлган бош оғриғида фойда қилади. Бошдан ёмон моддаларни чиқариш учун ишлатилади. Чунки бу моддаларни тортмасдан эритади. Мана бу унинг хосиятидир. Уни қўйиб боғланса, кўзнинг бурун бурчагидаги ёрилган чиқиқларни тузатади. Шунингдек, кўз оғриқда, кўз хиралашганда, тошмаларда, қичимада, кўздаги оғриқларда ва кўз кўтирида фойда қилади.

... Балғамни кўчиради. Сариқ касалини кетказади. Сийдикни ҳайдайди ва тошни чиқаради. айниқса, гули гунафша тусли хили шундай таъсирга эгадир. Совуқдан ва иссиқдан бўлган қовуқ оғриқларида қиздирилиб қўйилади.

Бу чарчашга қарши ишлатиладиган дориларнинг бошқаларига қараганда энг кўп фойдалисидир.

### ОҚ КАРРАК

... Қайнатмаси билан оғизни чайилса, тиш оғриғини босади.

...Оқ каррак, айниқса унинг илдизи қон туфлашда фойда қилади.

...Оқ каррак меъда заифлигида фойда қилади ва ундаги тиқилмаларни очади. ... Давомли ич суришга, аниқса меъдадан бўладиганига фойда қилади. Хусусан, илдизи шундай.

...Балғамли чўзма иситмаларга, меъда заифлиги сабабли бўлган иситмаларга ва ҳамма эски иситмаларга фойда қилади.

### ПАРСИЁВУШОН

...Ўпкани жуда тозалайди ва йўталда фойда қилади. ...Талоқ оғриғига ва сариқ касалига ҳам фойда қилади.

...Сийдикни ҳайдайди, тошларни майдалайди.

... Кулининг суви бошнинг кепакланишида фойда қилади.

*«Оқшом» — 2005 йилда*





*Обуна — 2005*

# ЁШЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНАДИ

**Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён — икки палатали парламент ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар арафасида турибди. Ҳозир қай бир ўқув муассасаси, ташкилот, маҳаллага борманг, сайловолди учрашувлари, давра суҳбатлари, тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилаётганининг гувоҳи бўласиз. Энг муҳими, халқимиз, айниқса ёшлар юртимиз келажаги тақдирида муҳим ўрин тутувчи сайловларга бефарқ эмас. Улар албатта халқ дарди-ташвишини, юрт ободлиги, эл фаровонлигини ўйлайдиган муносиб номзодларга овоз беришларини, икки палатали парламентнинг афзалликларини таъкидламоқдалар.**

Сайловлар арафасида мамлакатимизда нашр этиладиган газета ва журналларга обунанинг жадал давом этаётгани ҳам эътиборга моликдир. Шу муносабат билан вақтли матбуот нашрлари жамоалари жойларда муштарийлар билан учрашиб, янги йилдаги режалари билан ўртоқлашмоқдалар, газетхонларни янги рукнлар, йўналишлар билан таништирмоқдалар. Аҳамиятли томони, аксарият учрашувларда бўлғуси икки палатали парламентга сайловларнинг мазмун-моҳияти ҳамда афзалликлари хусусида ҳам қизиқарли савол-жавоблар ўтказилмоқда. Газетхонлар билан бевосита мулоқотлар ўтказиб туриш «Оқшом» газеталарининг азалий хайрли анъаналаридан ҳисобланади. Албатта бундай юзма-юз учрашувлар чоғида ўринли таклиф ва мулоҳазалар билдирилади, муштарийлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатилади.





«Оқшом» газеталари таҳририяти аъзоларининг навбатдаги учрашуви Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари билан бўлиб ўтди.

Тадбирда бўлғуси халқаро журналистлар қатнашаётгани, уларнинг айримлари хориж давлатларида малака ошириб қайтганлиги мулоқотнинг жуда қизиқарли ва жонли тарзда, савол-жавобларга бой руҳда ўтишига сабаб бўлди.

Мулоқот аввалида «Оқшом» газеталарининг бош муҳаррири Акмал Акромов таҳририятнинг келаси йилга мўлжалланган режалари, очилаётган янги рукнлар, газеталарнинг иш жараёни, ходимларнинг ихтисослашуви, реклама ва эълонларнинг газеталарни маблағ билан таъминлашдаги ўрни, бир сўз билан айтганда газетани тайёрлаш, чоп этиш ва тарқатиш билан боғлиқ барча жараёнлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтди, талабаларни ўз қизиқарли мақолалари билан фаол қатнашиб туришга чорлади. Бўлғуси сайловлар тўғрисида ҳам тўхталиб, қисқача тушунтириш берди, сайловларнинг моҳиятини кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта эканлигини таъкидлаб, бу мавзуда «Оқшом» газеталарида берилаётган мақолалар хусусида айтиб ўтди.

Тадбирни олиб борган Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг амалиёт бўйича декан ўринбосари, катта ўқитувчи Тўлқин Эшбекнинг «Оқшом» газеталари бўйича кичик ижтимоий сўров ўтказиши талабаларни янада жонлантириб, кўплаб қизиқарли саволларнинг туғилишига сабаб бўлди. Сўров натижасида учрашувда иштирок этаётган ўнга яқин талабаларнинг жамоатчи мухбирлар сифатида газеталар саҳифаларида мақола ва хабарлари билан қатнашиб туришлари маълум бўлди, келажакда газеталарни янада ўқимишли қилиш юзасидан ўз ҳиссамизни қўшамиз, деган талабалар кўпчиликни ташкил этиши ойдинлашди.

Савол-жавобларга ўтилганда эса талабаларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол эканликлари маълум бўлди. Айниқса, Зебо Намозованинг «Зийрак бобо шаҳар кезади» рукни остидаги мақолалар ўзига жуда ёқишини таъкидлаб, унга материаллар қай тарзда тайёрланиши, қайси манбалардан олиниши хусусидаги саволи, Тарас Кучеренконинг «Оқшом»нинг бошқа газеталардан қандай фарқи ва ўзига хос устун томонлари борлиги, Забаржад Бобожонованинг таҳририят томонидан ёш журналистларга қўйиладиган ўзига хос талаблар, Баҳром Толибовнинг ўтказилаётган сайловларда оммавий ахборот воситаларининг роли тўғрисидаги саволлари таҳририят ходимларида катта қониқиш ҳосил қилди, Юлия Гусеванинг «Оқшом» сонларини газета дўконларидан топиш қийинлиги, бинобарин дўконларга кам нусхаларда тарқатилиши тўғрисидаги эътирозининг тўғри эканлиги таъкидланиб, бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ахборот берилди.

Шунингдек, Дилрабо Орзибекова, Егорь Ларин, Нафосат Бердиқулова, Азиза Худойбердиева, Бунёд Абдуллаев, Диля Исмоилова, Екатерина Китаева, Жамол Эсонов ва бошқа кўплаб талабалар ҳам саволларига қониқарли жавоблар олдилар, ўз таклифларини билдирдилар.

Шубҳасиз, ўринли таклиф-мулоҳазаларнинг барчаси келгусида инобатга олиниб, ёшларни қизиқтирадиган мавзуларда кўпроқ материаллар бериб борилади.

Юзма-юз мулоқот чоғида «Оқшом» газеталарида ходимларни ёшартириш жараёни кечаётганлиги таъкидланиб, жумладан ушбу университет битирувчи талабалари ҳам ижодий синовдан ўтиб, насиб этса таҳририят журналистлари қаторидан ўрин олишлари мумкинлиги айтиб ўтилди. Талабаларга «Оқшом» кутубхонаси» туркумида чоп этилган «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобчалари совға қилинди.

Мазкур қизиқарли учрашув ҳам таҳририят ходимлари, ҳам талабалар учун жуда фойдали бўлди, десак адашмаймиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида ўтказилган учрашувдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Футбол*

## РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

**Ушбу кунларда футбол бўйича 13-миллий чемпионат ниҳоясига етмоқда. Ўзбекистон Кубоги баҳслари эса 12 марта уюштирилди.**

Шу ўтган йиллар мобайнида жамоалар томонидан қўлга киритилган олтин, кумуш, бронза медаллари сони 29 тага етди. Қувонарли томони, биллур соврин финалида 24 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Қизиғи, миллий чемпионатнинг совринли ўринлари ҳамда Ўзбекистон Кубогининг финал беллашувларида 20 нафар мураббий жамоаларни майдонга олиб тушган. Ўз жамоасини совринли ўринларга сазовор қилган мураббийлар орасида ҳозирча «Нефтчи» жамоаси футболчилари устози Юрий Саркисян карвонбошилик қилмоқда. Чунки унинг ҳисобида 5 та олтин, 7 та кумуш медаллардан ташқари «Нефтчи» уч марта биллур совринни ҳам қўлга киритган. «Нефтчи» жамоаси бош мураббийсидан кейинги ўринларни Виктор Жалилов, Александр Иванков, Тачмурод Агамуродовлар эгаллаб туришибди. Айниқса Агамуродов натижалари таҳсинга сазовор. Чунки унинг шогирдлари учинчи йилдирки пешқадамликни қўлдан беришмайди. Икки йилдан бери биллур соврин ҳам «Пахтакор» жамоасига насиб этмоқда.

Биз эса юқорида номлари келтирилган ўз ишининг усталари бўлмиш мураббийлар сафи кенгайишини чин дилдан истаймиз.

## ЗЕЙТУЛЛАЕВ «ЮВЕНТУС»НИ ТАРК ЭТДИМИ?

**Италиянинг машҳур «Ювентус» фарм клуби футболчиси, Ўзбекистон терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Илёс Зейтуллаев айни кунларда «Удинезе» жамоаси ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этмоқда.**

Эътиборли томони шундаки, Зейтуллаев «Удинезе» таркибида «С» серияси вакили «Портосунага» билан уюштирилган ўртоқлик учрашувида майдонга туширилган. Учрашув 3:1 ҳисобида «Удинезе» ғалабаси билан якунланган. Зейтуллаев эса ҳужумкор ўйин намойиш этиб, рақиб дарвозасига битта гол ҳам киритган. Аслида ҳамюртимизнинг «Ювентус» фарм билан яна икки йиллик шартномаси бўлсада жамоанинг янги бош мураббийси Фабио Капелло унинг ҳаракатларидан қониқмаган кўринади. Эндиликда Илёс «Удинезе» таркибида ўйнайдими ёки «Сампдория» клубидан тушган таклифни қабул қиладими, буни вақт кўрсатади.

**(Ўз мухбиримиз)**







*Болалар спорти*

## СТОЛ ТЕННИСЧИЛАРИ КУЧ СИНАШДИ

**Бугунги кунда мамлакатимизда ўсмирлар ўртасида спортнинг барча турларини ривожлантиришга нафақат ҳукуматимиз, балки нодавлат ташкилотлар ҳам катта ҳисса қўшишмоқда.**

Жумладан, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, болалар ва аёллар спортини ривожлантириш бўйича бир қатор дастурларни амалга ошириб келмоқда. Мазкур жамғарма томонидан «Соғлом авлод учун» Кубоги учун ўсмирлар ўртасида анъанавий теннис, бадиий гимнастика, кураш ва бошқа спорт турлари бўйича турнирлар ўтказилиб келинаётгани фикримиз далилидир.

Жумладан, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Стол тенниси федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида шаҳримиздаги «Умид» болалар спорт мажмуасида ташкил этилган «Соғлом авлод учун» Кубоги учун стол тенниси бўйича 1-Республика болалар турнири ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Икки оғиз юртимизда стол тенниси ривожи хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳозирда республикамиз бўйича 10.000 нафардан зиёд ёшлар ушбу спорт тури билан шуғулланиб келмоқда. 2004 йил Афинада ўтказилган Олимпиада ўйинларида ҳамюртимиз Манзура Иноятова кучлилар гуруҳида беллашиб, яхши натижаларни қўлга киритди. Шунингдек, 2003 йилда Ўзбекистонда ўтказилган халқаро турнирда Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Туркманистон давлатлари спортчилари ўртасида мамлакатимиз терма жамоаси вакиллари кучли эканликларини яна бир бор исботлашди.

Спортнинг ушбу турини янада оммалаштириш ва ёшларни жалб этиш мақсадида ташкил этилган жамғарма Кубоги учун турнирда республикамизнинг барча минтақаларидан 11-13 ёшли жами 56 нафар ўсмирлар иштирок этди. Қатнашчилар икки гуруҳга бўлиниб, 1991-1992 йилда туғилган, 1993 йилда туғилган ва кичик ёшдаги спортчилар ўзаро беллашдилар.

Финал баҳсларидан сўнг ғолиблар аниқланди. Шундай қилиб, катта ёшдаги гуруҳда Гулнора Хусенова, Муштарий Эрматова, Андрей Мальцев ва Фаррух Ражабовлар ғолиб бўлишди. Фаррух Ражабов жуфтлик мусобақасида Шуҳрат Шеров билан бирга зафар қучди. Қизлар баҳсида эса Нодира Бурхонхўжаева ва Гулнора Хусенова жуфтлигига тенг келадиганлар топилмади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар.**

**Анвар Ҳалимов олган суратлар.**

## ЎҚУВ КУРСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида спорт соҳаси бўйича мутахассислар учун ўқув курси ташкил этилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассислари, вилоят «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти Кенгаши мутахассислари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорларидан иборат мутахассислар учун «КАСКАД» усулида ўқув-амалий курсини ўтказишдан мақсад улар ҳам ўзлари олган билим ва малакаларини жойларда худди шундай йиғилиш ва ўқув-амалий курсларини ташкил этиш орқали кенг оммага етказишларига эришишдан иборат.

Ўқув курси қатнашчилари Собир Раҳимов туманида жойлашган «Истиқлол» болалар спорт мажмуаси фаолияти ва бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишишди. Тошкент шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига қарашли «Умид» болалар спорт мажмуасида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти футбол кафедраси ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ходимлари томонидан жисмоний тарбия мутахассислари билан биргаликда очиқ амалий дарс уюштирилди.

Шу орқали ҳозирги кунда спортга, айниқса болалар спортига катта эътибор берилаётганлигини инобатга олиб жисмоний тарбия ўқитувчиларининг машғулотларни замон талабларига мос равишда олиб боришлари учун замин яратиш назарда тутилган.

**(Ўз мухбиримиз)**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ХАРИДОРЛАР ВА ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!





Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги 04-7-50 сонли баёнига биноан шу йил 23-26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги Бобур кўчаси, 45-уйда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционер компанияси, «Ўзбекчармпойбзали», «Ўзбекипаги» уюшмалари, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акционерлик компаниялари томонидан 2005 йилда ушбу тармоқлар, хусусий тадбиркорлар ва бошқа корхоналар ишлаб чиқарадиган кенг турдаги енгил саноат маҳсулотларига республика ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш бўйича Республика улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади. Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Телефонлар: 139-10-93, 139-13-15, 139-10-25.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 2764 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-109.

1 2 3 4 6